


№ 01-31/1-2878
28.12.2021 й.



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг
30 йиллиги ҳамда Ватан химоячилари кунига бағишланган тадбирларни
ташқиллаштириш ва ўтказиш бўйича йиғилиш
235-БАЁНИ

2021 йил “27” декабрь

Вазирлар Маҳкамаси

Раислик қилувчи:

А.Н. Арипов

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Иштирок этганлар: Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан
химоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш
чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 ноябрдаги Ф-4-сон
фармойиши ижросини таъминлаш тўғрисида

(А. Арипов, В. Махмудов, А. Абдухакимов, Б. Курбанов, П. Бобожонов, Р. Жўраев,
А. Қўлдошев, О. Назарбеков, М. Хожиматов, С. Сайидов, ... А. Арипов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан
химоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-
тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 ноябрдаги Ф-4-сон фармойиши ижросини
таъминлаш мақсадида мажлис қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг
30 йиллиги ва Ватан химоячилари кунини байрамига (кейинги ўринларда –
Ватан химоячилари кунини) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича
мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари маълумот учун қабул
қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг
30 йиллиги ва Ватан химоячилари кунига бағишлаб

ҳарбий округлар,
29. Декабрь 2021г.
22/507

10. Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Артикжоджаев):

Мудофаа вазирлиги билан келишилган ҳолда Тошкент халқаро бизнес маркази билан **уч кун муддатда** кўчаларни ва “Халқлар дўстлиги” санъат саройи ҳудуди ҳамда байрам концерти бўладиган жойни Ватан ҳимоячилари куни байрамига бағишланган кўرғазмали ташвиқот материаллари билан безатиш учун эскизлар ишлаб чиқсин ҳамда уларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига юборилишини таъминласин;

2022 йил 10 январга қадар Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказиладиган тантанали байрам тадбири учун “Халқлар дўстлиги” санъат саройида концерт ўтказиш жойи, сахнаси ва ҳудуди байрамона безатиш, атрофини бир кун муддатда хатловдан ўтказиб, зарур ободонлаштириш ишларини амалга ошириш чораларини кўрсин;

Тошкент шаҳрида бўладиган асосий байрам тадбири давомида концерт дастури меҳмонлари учун тантанали кечки овқатни “Hilton” меҳмонхонасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ташкил этсин.

11. Оммавий халқ байрамлари МЧЖ (Ядгарова):

уч кун муддатда Ижодий гуруҳ билан келишган ҳолда асосий байрам томошаси ва бошқа маданий тадбирлар бўйича сарф-харажатлар сметасини ишлаб чиқиб, Ишчи гуруҳга тасдиқлаш учун киритиш;

ажратилган маблағлар ҳисобидан байрам томошасида фойдаланиш учун сахна безаклари ҳамда Ижодий гуруҳ талабига кўра жиҳоз ва бошқа маҳсулотлар харид килиш;

асосий байрам томошаси сахнасига экранлар учун кенг хаввозалар ва кенг масштабли экранларни шартнома асосида ўрнатиш, шунингдек, уларни хавфсиз ишлашини таъминлаш чораларини кўриш;

асосий байрам томошасида иштирок этувчиларни (Ижодий гуруҳ аъзолари, раққосалар ва бошқалар) транспорт воситаси билан таъминлаш;

асосий байрам томошасига тайёргарлик жараёнларида иштирок этаётган раққосалар, Ижодий гуруҳ аъзолари ва барча иштирокчиларни 3 маҳал иссиқ овқат ҳамда машғулотлар жойларида кўшимча озиқ-овқат билан таъминлаш;

асосий байрам томошасида иштирок этувчилар (Ижодий гуруҳ аъзолари, раққосалар, ижодкорлар ва сахналаштирувчилар)га белгиланган тартибда гонорар тўлаш;

асосий байрам томошаси ва бошқа тадбирлар билан боғлиқ тегишли шартномаларни сарф-харажатлар сметасида кўзда тутилган миқдор доирасида тузиш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик;

ҳудудлардан байрам дастурига жалб қилинадиган ижодий ва бадиий гуруҳлар учун меҳмонхоналарга олдиндан буюртма бериш, жалб қилинадиган транспорт ва овқатлантириш харажатлари учун олдиндан шартнома тузиш ва ўрнатилган тартибда молиялаштириш ишларини амалга оширилишини;

“Халқлар дўстлиги” саройи сахнасини гуллар билан безаш ишларини амалга оширилишини таъминласин.

“Оммавий байрамлар безаклари” МЧЖ (Жамолидинов) билан биргаликда шартнома асосида “Халклар дўстлиги” саройида бўлиб ўтадиган асосий байрам томошаси учун сахна декорацияларини тайёрлаш чораларини кўрсин.

“IOSIS” ХК (Иосис) билан биргаликда асосий байрам томошаси ўтказиладиган “Халклар дўстлиги” саройи ва бошқа маданий тадбирлар учун шартнома асосида овоз кучайтиргич мосламаларини ўрнатиш ишларини амалга оширсин.

“Pro lighting Media” ХК билан биргаликда “Халклар дўстлиги” саройи сэхнаси учун металл конструкциялар ва бадий ёритиш ускуналарини шартнома асосида ўрнатишни таъминласин.

“Chistiy dom lyuks” МСНЖ билан биргаликда 2022 йилнинг 13 январь кунига қадар “Халклар дўстлиги” саройи томошабинлар залининг гилам ва ковраланларини шартнома асосида тозалаш чораларини кўрсин.

12. **Моллия вазирлиги Ҳазначилиги** “Халклар дўстлиги” санъат саройида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказиладиган тантанали байрам тадбири ҳамда байрам доирасидаги тадбирлар билан боғлиқ шартномаларни Республика хомашё биржасининг махсус электрон порталига эълон жойлаштирмасдан ва электрон савдоларисиз, тендер ва танловларсиз расмийлаштиришни ҳамда олдиндан камида 50 фоиз пул маблағларини ўтказилишини таъминласин.

13. **Миллий гвардия (Джураев) Қуролли Кучлари** ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ёшлар ўртасида “Оломон пойга” от спорти тури, “Ўзбек жанг санъати” бўйича спорт мусобақаси, “Ўзбек жанг санъати” бўйича кизлар ўртасида спорт мусобақаси ҳамда “Поло” от спорти мусобақаси ғолибларини тақдирлаш ва муқовотлаш (телевизор, микротўлқинлипеч) ишларини ташкил этсин.

14. **Миллий гвардия (Джураев), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Қўлдошев)** тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

15. **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов), “Ўзбекнефтегаз” АЖ (Абдуллаев)** Ташкилий-иждоий гуруҳ талабига кўра “Халклар дўстлиги” санъат саройига қатта масшабли светодиод (LED) экранларини ва ҳавозаларни бегараз ажратсин ва ўрнатиб берсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги F-4- сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишининг 3- банди учинчи хатбошисида белгиланган “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 30 йил” китоб-альбомни чоп этиш бўйича вақт кам қолганлигини инобатга олган ҳолда истисно тариқасида тендер танловларисиз “Zamin nashr” масъулияти чекланган жамият билан шартнома тузишга руҳсат этилсин.